

Шайх Муҳаммад Аввома билан суҳбат - Саҳоба ҳақида мулоҳазалар



12:00 / 19.04.2018 4106

-Устоз, ўтган ҳафта Маккаи Мукаррамада Уммул-Қуро университети қошидаги китоб дўконида Нигериялик ўқувчилар билан суҳбат қилаётган чоғимда, мен университетда устоз деб ўйлаган бир киши қўлида бир қанча ҳадис китоблари билан олдимизга яқинлашди. У ердан, бу ердан бир нарсаларни гапирди. Лекин мен қанча далил талаб қилсам ҳам, айтган гапларининг исботини келтириб беролмади. Кавсарийни жуда оғир шаклда танқид қилган бу киши, танқид мавзуси бўлган гапларни устознинг асарларидан эмас, Яманий ва Саййид Афғонийдан нақл қилди. Ўзидан бошқасини эшитишга чидай олмайдиган бу киши гапларини исботини келтириб беролмагач: “Мен қандай қилиб Кавсарийнинг қарашларини қабул қилишим мумкин? Ахир у саҳобани ёмонлаган. Абу Ҳанифадан бошқа мужтаҳид олимларни ерга урган”, деди. Ҳақиқатдан ҳам

салафийлар иддао қилаётганларидек Кавсарийнинг асарларида шуни қувватловчи ибора кўрганмисиз?

Шайх Муҳаммад Аввома - Аслида бу гап Муаъллимийга тегишли. Кавсарийни худди шу тарзда айблаган. “У Анас ибн Молик ва Абу Ҳанифани заиф деб ҳисоблаган 3 ишончли ровийни жарҳ қилган (олиб ташлаган)”, деган. Олдин ҳам айтганимдек, буларнинг барчаси уйдирма ва бўхтондан бошқа нарса эмас. Шайх Имом Кавсарий вафот этгунларига қадар илм доирасидан ташқари чиқадиган гап айтмаганлар. Инсофли одам юқорида зикр қилинган гаплардан бирортасини тополмайди. Агар шубҳа қилаётганлар бўлса, буни исбот қилишга, саволларига жавоб беришга тайёрман.